# XORIJDA

## ЛИВАН

Нью-Йоркда БМТ доирасида бўлиб ўтган 49 мамлакат иштирокидаги йиғилишда Ливанга тинчликпарвар кучлар жўнатилиши масаласи муҳокама қилинди.

Бангладеш, Индонезия, Малайзия ва Непал Ливанга ўз тинчликпарвар контингентини юборишга тайёрлигини билдирди.

Германия зиддиятлар рўй берган ҳудудга ҳарбий денгиз кучларини юборишни ваъда берган бўлса, Британия ва АҚШ моддий таъминотни ўз бўйнига олди. Бу ишга Италия ва Бельгия ҳам қўшилиши ҳақида маълум қилишди.

БМТ жанубий Ливанга илғор тинчликпарвар кучларининг 3,5 минг нафарини юборишни таклиф қилди. Бу кучлар Ливанга етиб келишининг кечиктирилиши ўрнатилган тинчликка рахна солиши мумкинлиги ҳам эслатиб ўтилди.



Ливандаги тинчликпарвар кучларни бошқаришни бўйнига олган Франция у ерга 200 нафар ҳарбийни жўнатишга тайёрлигини айтди.

Зиддиятли ҳудудда БМТ ҳарбийлари устидан қўмондонлик қилаётган Франция ўз миссияси ва мандати борасида аниқ кўрсатмалар олишни истаяпти.

Италия ташқи ишлар вазири Италия ҳарбийлари Ливанга «Ҳизбуллоҳ»ни қуролсизлантириш учун эмас, балки ҳукумат армияси жанубий туманларда мутлақ суверенитетни қўлга киритишига ёрдам бериш учун жўнатилишини баён қилди.

Шу кунларда Ливан армияси узоқ вақт давомида «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи назорати остида бўлган ҳудудларга жойлаша бошлади. Бу БМТ ХКнинг Исроил томонидан «Ҳизбуллоҳ» гурҳини зарарсизлантиришга йўналтирилган ҳарбий амалиётни тўхтатишга қаратилган резолюцияси доирасида ўтказилмоқда.

Ливан бош вазири Фуад Синиора армия мамлакат жанубида давлатга нисбатан ҳурматни тиклаб, Исроил чегарасида давлат ичидаги давлат шаклланишига йўл қўймаслигини айтиб ўтди.

Кузатувчиларнинг фикрича, бош вазирнинг бу сўзлари АҚШга ёқиб тушади. Бироқ амалда кўпчилик армиянинг Ливан жанубида жойлашуви бунга «Ҳизбуллоҳ» рози бўлгани учунгина рўй бераётганини тушуниб турибди. Чунки ҳамма биринчи навбатдаги масала тинчликни сақлаш ва миллий бирдамликни тиклаш эканини англаб етган.

«Ҳизбуллоҳ» гуруҳи аъзолари Исроил армияси уюштирган ҳужумлар натижасида вайронага айланган уйларни тозалаш ва бошпанасиз қолганларга ёрдам бериш билан шуғулланишмоқда.

«Ҳизбуллоҳ» гуруҳининг Ливан парламентидаги вакили сўзларига кўра, гуруҳ жангчилари оддий аскарлар каби истеъфога чиқишмайди, балки ўз касблари бўйича — ишчи, шифокор, ҳуқуқшунос, муҳандис сифатида одатий ҳаётга қайтишади.

## АҚШ



Мамлакат федерал суди тамаки ишлаб чиқарувчи бир неча компанияни чекишнинг зарари ҳақидаги ҳақиқий маълумотни яширишда тил бириктирганликда айбдор деб топди.

Судья Глэдис Кесслер «Philip Morris», «RJ Reynolds», «Brown & Williamson», «British American Tobacco» ва «Lorillard Tobacco» ўз фаолияти давомида қонунни бузишган деб ҳисоблайди.

Бироқ бу компаниялар айбини тан олгани йўқ.

Судья чекиш турли касалликлар ва ҳатто ўлимга олиб келиши муқаррарлигини айтиб, компаниялар бу ҳолатни нотўғри талқин қилиш, хавфни камайтириб кўрсатиш билан шуғулланган деган фикрда.

Ҳозирча компанияларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилиши белгиланмаган бўлса-да, келажакда бу ҳолатнинг олдини олиш ва истеъмолчиларни алдамаслик талаб қилинди.

Чекишга қарши бўлган фаоллар суднинг бу қарорини ғалаба сифатида нишонладилар.

Бундан 10 йил олдин тамаки компаниялари Америка штатларига чекиш оқибатида касалликка учраган беморларни даволаш учун 246 миллиард доллар ажратган.

SAVDOGAR BANK

*Азиз ва муҳтарам юртдошлар!*

**«Савдогарбанк» жамоаси**

юртимиз халқини кириб келаётган

**Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги**

шодиёнаси билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди.

**Банк ушбу байрам арафасида ўзининг янги жозибали омонатларини таклиф этади:**

**«Мустақиллик» — йиллик 21%, 90 кун муддатга, минимал миқдор — 100 000 сўм.**
**«Шодиёна» — йиллик 21%, 60 кун муддатга, минимал миқдор — 200 000 сўм.**

Ушбу омонат турларига маблағлар банкнинг барча бўлимларида қабул қилинади.

**Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!**

**Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!**



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 361-30-29, 54-18-65.
Web site: www.savdogarbank.com
E-mail:sgb.rol@uz

*Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси*

**БЕКОБОД ТИББИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

*барча ватандошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий табриклайди.*

**Ўзбекистонимиз қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Айниқса, таълим соҳасида эришилган ютуқлар салмоқлидир. Билим масканимизда кўплаб ёшлар таълим олиб, соҳа бўйича мутахассис бўлиб етишмоқдалар.**

***Ниятимиз шуки, ёшларимиз касбли, ҳунарли бўлиб вояга етишсин, озод Ватанимизга муносиб хизмат қилишсин.***



# ИШ ҲАҚИ МУҲОФАЗАСИ

Масалан, шундай ҳолатлар борки, фуқароларнинг моддий ёрдам ва нафақа сўраб берган аризаларини ҳеч бир асоссиз рад этишади ёки эътиборсиз қолдиришаверади. Баъзи ҳолларда эса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлмаганларнинг аризалари қондирилади.

Бир мисол. Наманган вилоятида 2005 йилда нафақа ва моддий ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг 330 тасини рад этиш ҳақида қонунсиз қарорлар қабул қилинган. Ушбу қарорлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилиниб, фуқароларга 18,9 млн. сўм нафақа ва моддий ёрдам тайинланиши таъминланганини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим.

Бу каби қонун бузилиши ҳолатларига Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳам йўл қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март куни **«Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижроси юзасидан ўтказилаётган текширишлар жойлардаги айрим мансабдор шахслар томонидан бу борада айрим суиистеъмолликлар бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Прокуратура органлари томонидан иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб бермаётган корхона, ташкилотлар раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўрилиб, судларга 2006 йилнинг ўтган даврида 6,1 млрд. сўмлик 7992 та ариза киритилган ва иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаган 1413 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Масалан, Навоий вилоятидаги «Навоийсаноаттранс» шўъба корхонасида 45,3 млн. сўм, «Меҳмонтажқурилиш» шўъба корхонасида 41 млн. сўм, Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги «Қўрғонтепа» ширкат хўжалигида 45 млн. сўм, Жиззах вилояти «Жиззахтумангаз» филиалида 28 млн. сўм, Бухоро вилояти, Ғиждувон туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонасида 15,7 млн. сўм, Тошкент шаҳридаги «Тошкент қурилиш материаллари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятида 15,6 млн. сўм, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятида 14,4 млн. сўм, Наманган вилояти «Уйчитумангаз» филиалида 12,4 млн. сўмлик иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган.

Назорат тадбирлари ўз самарасини бериб, шу кунгача Андижон вилояти «Асакашаҳаргаз» таъминоти корхонасида 30,5 млн. сўмлик, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман халқ таълими бўлимида 11,3 млн. сўмлик, Тошкент вилояти Чиноз туман «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятида 10,3 млн. ва Наманган вилояти «Уйчитумангаз» филиалида 8,8 млн. сўмлик тўланмаган иш ҳақларининг тўланиши таъминланди.

Жиззах вилояти Ғаллаорол Саноат касб-ҳунар коллежи мансабдор шахслари 36,2 млн. сўмлик, Фарғона вилояти Қува туман ҳокимлиги ҳузуридаги коммунал фойдаланиш бошқармаси мансабдор шахслари 1,1 млн. сўмлик, Сирдарё вилояти Оқолтин тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумтаълим мактаби мансабдор шахслари томонидан 813 минг сўмлик иш ҳақи ва нафақалар ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўзлаштирилганлигига нима дейсиз?

Ушбу ҳолатлар айбдорларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. Одамлар ҳақига кўз олайтирганлар қонуний жазосини олади, албатта. Лекин иш ҳақи билан таъминлаш ўрнига, уни ўзлаштирган раҳбарнинг инсоф-диёнати ҳақида ўйлаб қоласан киши...

Прокуратура органлари томонидан 2006 йилнинг ўтган ойида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, жами 18821 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Шундай жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 327 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган 677,5 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланган ва судларга 6,8 млрд. сўмлик нафақа ҳамда иш ҳақларини ундириш тўғрисида 9138 та аризалар киритилган.

Дарҳақиқат, бировнинг ҳақига кўз олайтириш, ноинсофлик одамларни доимо бадном этган. Бундай кимсаларнинг юзи эл ичида, албатта, шувут бўлади. Диёнатсизликнинг катта-кичиги йўқ. Лекин муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳақига, айниқса болалар ҳақи ва пешона тери эвазига келадиган иш ҳақига хиёнат қилганларни ҳеч ҳам кечириб бўлмайди. Улар, албатта, қилмишига яраша жазо оладилар. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

**Пардавой НАРЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси прокурори.**
**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**«ШОВОТ-ДОН»**

*очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси*

*халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами —*

**Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги**

*билан муборакбод этади.*

**Барчангизга бахт-саодат, мустақил давлатчилик йўлидаги эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилайди.**

**Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!**



**Хоразм вилояти «Шовот-Дон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти**

# ТАЪЛИМ ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида қиймати 339 минг еврога тенг шартнома имзоланди.**

Ушбу шартномада университет томонидан ахборот технологиялари соҳасига ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларига техник таълим беришда консалтинг хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган. Шуниси эътиборлики, Ахборот технологиялари университети Ўзбекистон ва Германиядаги қатор компания ва олий ўқув юртлари ўртасида ўтган йили эълон қилинган халқаро тендер натижаларига кўра шартнома ижрочиси этиб танланди.

Коллежлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази Германия тараққиёт банки (KfW) ва ушбу мамлакатнинг Техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида олиб борилади. Ўзбекистон ва ГФР ҳукумати ўртасида 1993 йил 28 апрелда тузилган Илмий тадқиқотлар ва мутахассислар жамғармаси тўғрисидаги ва 2001 йил 3 апрелдаги Техник ҳамкорлик тўғрисидаги иккита шартнома бу ишларни амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

2003 йилнинг февралида лойиҳани амалга ошириш учун Германиянинг KfW банкидан 7,6 миллион евро миқдорида кредит ва 1,023 миллион евролик грант олинди. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга бу тарзда ёрдам берилиши Ўзбекистоннинг ушбу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан боғлиқ. Бугун бутун дунё Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самарадорлигини тан олмоқда. Республикада илғор халқаро стандартларга жавоб берадиган ва энг яхши маҳаллий тажрибага асосланган таълим тизими ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 14 та ихтисослашган коллеж ташкил этилди. Ўқув режалари ва дастурлари такомиллаштирилди, янги турдаги ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда улар кенг қўлланмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган маблағларни сарфлашга пухта ёндашилиб, таълим жараёнига зарар етказмай 3,2 миллион евро тежаб қолинди. Энди бунинг эвазига мазкур йўналишдаги яна 10 та коллеж энг янги ахборот-коммуникация ускуналари билан жиҳозланади.

— Ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз жаҳон андазалари даражасидаги малакага эга рақобатбардош мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов. — Шу боис Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган 2002-2010 йилларда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, мамлакатимиз коллежларида дастурий воситалар, маълумотлар базаси, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунда ўқитувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки ўқувчилар билимининг сифати, аввало, ўқитувчиларга боғлиқ.

Тошкент ахборот технологиялари университети бу муҳим вазифани ўз зиммасига олди. Олий ўқув юрти ва коллежлар базасида 192 ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтади. Сўнгра улар жойларда ўз ҳамкасблари малакасини ошириш билан шуғулланади.

Келгуси йилнинг июнида республикадаги касб-ҳунар коллежларини электроника, дастурлаш ва бизнес бўйича мутахассисларнинг дастлабки битирувчилари тамомлайди. Бу мамлакатимиз ўрта махсус касб-ҳунар таълими учун янги таълим йўналишлари ҳисобланади. Бироқ иш берувчилар халқаро талаблар даражасида тайёрланган бўлғуси мутахассисларга ҳозирданоқ катта қизиқиш билдирмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим беришда етакчи ҳисобланган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорлиги бундай мутахассислар билимини оширишга ёрдам беради.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

● Интер-спорт

## МУРАББИЙ ЖАНГГА ҚАРШИ

Олег Маскаев америкалик Ҳасим Раҳмон билан 12 раундлик жангда ғалаба қозонганидан кейин ундан украиналик жаҳон чемпиони Владимир Кличко билан 11 ноябрда жанг қилиши учун розилик сўралган эди. Бу ишларни Кличконинг менежери Шелли Финкел бошлаганди.

Умуман олганда, бу жангга Олег рози ҳам бўлганди. Лекин кутилмаганда унинг мураббийи Виктор Валье қарши чиқди. Устознинг сўзига қараганда жанг учун белгиланган муддат Олег учун жуда эрта. Боиси Олегнинг ўнг қўли бош бармоғи синган. Буни эса Олег тан олгиси келмаяпти. Ваҳоланки, бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин.

## УСТОЗИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Россиялик машҳур теннисчи Марат Сафин Монреалда ўтказилаётган WTA турнирида имкониятни бой бериб қўйди. У француз Гаэл Монфисга 6:4, 7:5 ҳисобида ютқазди. Мағлубият аламидан асабийлашган Марат ракеткасини синдириб ташлади. У ўзини босолмай, устози Петер Лундгрендан воз кечишини ошкора баён этди. Мухбирлар эса маҳаллий газеталарда: «Марат кейинги пайтларда ўзининг ички туғёнини босолмайдиган бўлиб қолган. Ҳатто, у шу кунларда нимага муҳтож эканини ҳам билмаса керак», деб ёзишмоқда.



## РОССИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Маълумки, Россия терма жамоасига янги мураббий — голландиялик Гус Хиддинк бошчилик қилмоқда. Мамлакат футболчиларини Европа чемпионати финалига олиб чиқишга ҳаракат қилаётган мураббий дастлабки муваффақиятга эришди. «Локомотив» стадионида Латвия футболчиларига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувида Россия терма жамоаси ғалаба қозонди — 1:0.

Россия футболчилари Европа чемпионатининг дастлабки саралаш учрашувини 6 сентябрь куни ўз майдонида Хорватия жамоасига қарши ўтказадилар.



● Миннатдорчилик

## СОҲИЛДАГИ СИҲАТГОҲ

Чирчиқ дарёси кўкка бўй чўзган Қурама тоғларнинг чўққиларидан оқиб тушган покиза сувлар, зилол булоқлардан пайдо бўлган. Унинг қирғоғида жаннатмакон юртимизнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган сўлим ва оромбахш Бўстонлиқ тумани жойлашган. Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ногиронларнинг республика сиҳатгоҳи «Товоқсой» ана шу туман маркази — Ғазалкентда, янада аниқроғи, Чирчиқ дарёси соҳилида жойлашган.

Сиҳатгоҳ 340 ўринли бўлиб, ҳар йили бу ерда 6-7 минг одам асаб касалликлари, нафас тизими хасталиклари бўйича даволанади. «Товоқсой» нафақат гўзал табиати, шифобахш гиёҳлари, сувлари билан, балки ширинсўз, тажрибали ҳамшира ва шифокорлари билан элнинг оғзига тушган. Бунга биз ҳам шу ерга келиб амин бўлдик. Уларнинг хизматлари билан дарддан фориғ бўлдик.

— Президентимиз ва ҳукуматимизга раҳмат. Биз қарияларга кўп ғамхўрликлар кўрсатяпти. Зеро, кексаларнинг дуоси ижобат бўлади: илоё юрт осойишталигига кўз тегмасин, — дейди меҳнат фахрийси Турсунхўжа Саидиброҳимов.

— 1992 йили қурилиши бошланган, лекин чала қолган икки қаватли, 550 ўринли ошхонамиз ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қаровсиз ётган ерларга ўтқазилган дарахт кўчатлари бу йил ёппасига мевага кирди, — дейди сиҳатгоҳ директори Ҳикматилла Султонов. — 3 гектар ер деҳқончилик учун кенгайтирилди. Сиҳатгоҳ қошидаги фермада 22 бош қорамол боқиляпти. Топилган даромад даволанувчилар дастурхонини лаззатли таом ва тоғ ҳавосида пишган мевалар билан тўлдиришга асқотмоқда.

— 15 нафар шифокор ва 38 нафар ҳамшира кучи билан сиҳатгоҳимизда ҳозир 26 тур касалликни даволаяпмиз, — дейди сиҳатгоҳ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Салима Рисметова. — 2005 йилда 6413 киши сиҳатгоҳимизга келган бўлса, бу йилнинг ярмидаёқ улар сони 3566 нафарга етди.

Сиҳатгоҳ фақат сўлим ва хушманзара бўлгани учунгина эмас, биринчи навбатда тиббий хизмат кўрсатишнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам қарияларни мамнун этмоқда. Кекса педагог, нарпайлик отахон Саъдулла Зиёдуллаев шундай дейди:

— Мен бу ерга 8 йилдан бери келаман. Биласизми, ҳар гал бир йилга етадиган куч-қувват, ғайрат олиб қайтаман. Яратилган барча шароитлар кўнгилдагидек. Айниқса, қўли енгил, бирбиридан хушмуомала шифокорлардан жуда миннатдормиз. Ҳамширалар Райҳон Нуржанова, Гулжон Алтаева, Мунира Усмонова, Фарида Эрназарова ва Гулнара Жолдасовалардан мамнунмиз.

Фитобарда Рафоат Эрназарова 20 хилдан зиёд тоғ шифобахш гиёҳларидан дамлама чой, ҳаво ва нафас йўлларини кенгайтирадиган кислород коктейлини тайёрлаб, ширин сўзлик билан ҳамманинг кўнглини олади.

Дам олувчилар учун атрофдаги Чорвоқ, Хумсон, Оқтош, Чимён зиёратгоҳларига қизиқарли саёҳатлар уюштирилади, концерт дастурлари намойиш этилади.

Сиҳатгоҳ кейинги икки йил давомида янги ЭКГ, «Тобус-кварц», магнит ва лазер аппаратлари каби бир неча замонавий асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ерда ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Жорий йилда 3000 тупдан зиёд манзарали дарахтлар, 2000 дона гул кўчати ва мевали дарахтлар ўтқазилди. 2-3 йил мобайнида янги қозонхона, 550 ўринли янги ошхона ва маъмурият биноси тўлиқ таъмирланиб, 16 ўринли меҳмонхона ишга туширилди.

Бир сўз билан айтганда, «Товоқсой»даги манзара кўнглимизга ҳузур бағишлади. Мавжуд шарт-шароитдан дил яйради. Энг муҳими, халқ саломатлигини асраб-авайлаш, парваришлашдек масъулиятли ва шарафли ишга бош қўшаётган инсонларни кўриб, шундай ўлкада яшаётганлигимиздан янада мамнун бўлдик.

**Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ,**
**Асқар НИҒМАТЖОНОВ,**
**Жўрабой ХОЛМАТОВ**


# «ХОНҚА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам —

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан

чин дилдан муборакбод этади.



Ўзбекистон — серқуёш, жаннатмакон ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлол туфайли юртимизда иқтисодий тараққиётнинг имконият эшиклари кенг очилган. Шу боис меҳнат жамоамиз ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва самарали йўлларидан илгарилаб бормоқда. Биз ишлаб чиқараётган ун ва ун маҳсулотларининг юқори сифати мамлакатимизда эътироф этилмоқда. Эртамиз бугундан-да саодатли бўлишига шак-шубҳа йўқ. Ватанимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Азиз юртдошлар!
Муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!



Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси

## ЗАНГИОТА ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча таълим ва фан ходимларини ҳамда бутун Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам — **Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги** билан самимий муборакбод этади.



Ушбу қувончли кунларда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшаётган барча юртдошларимизга соғлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди.



**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

*Сариосиё тумани, «Токчиён» ширкат хўжалигидаги 25-сонли мактабга қўшимча иншоотлари билан 9,0x18,0 м.ли спорт зали қурилиши.*

***Иншоотнинг бошланғич нархи — 78443,4 минг сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.***

*Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — 2006 йилда республика мактаб таълими жамғармасининг тежалган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил: *Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел. 222-49-71.***

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

**Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***



BOSH MUHARRIR:
**Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY`ATI:
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Akbar JONUZOQOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 1052
*7452 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda